

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КЛАСТЕРЛАШ ЎРНИ

Садриддинова Нигора

Тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодийёт университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10074175>

Аннотация. Ушбу мақолада тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг илмий ва назарий асослари ёритилган. Муаллифнинг фикрича, кластер ёндашуви алоҳида корхоналар ва тармоқларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки географик жиҳатдан яқинликда жойлашган тегишли корхоналар, муассасалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириши мумкин. Саноат ва комплексларни бошқаришда кластер ёндашуви ички ва ташқи конъюнктура ўзгаришларига тезкор жавоб бериш, инновацион сиёсат воситалари орқали мослашишга асосланган иқтисодий тизимнинг барқарорлигини оширишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, кластер, кластер назариялари, тўқимачилик корхоналари.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси, биринчи марта мустақил категория сифатида, 1934 йилда Франклин Рузвелт томонидан Американинг Янги иқтисодий сиёсати тўғрисидаги маърузасида кўриб чиқилган. Ўша пайтдан бошлаб “иқтисодий хавфсизлик” деганда, иқтисодий тизимни аҳолининг нормал яшаш шароитларини қўллаб-қувватлаш қобилятини, халқ хўжалигини ривожлантириш ресурслари билан барқарор таъминланишини, шунингдек, миллий-давлат манфаатларини изчил амалга ошириш кетма-кетлигини белгилайдиган энг муҳим тавсифи сифатида тушунила бошланди. Жаҳон амалиётида кўплаб мамлакатларда кластерлардан фойдаланилади. Корхоналар кластерларга бирлаштирилган, чунки бу жараён маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва харажатларни камайтириш нуқтаи назаридан улар учун фойдали. Шу билан бирга, экспорт кластерларини тизимли ривожлантириш ва уларни янада чуқурлаштириш давлат иқтисодий ва ишлаб чиқариш сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида ўрганилади. Сўнгги пайтларда экспорт кластерларини шакллантириш муаммолари сиёсатчи ва олимларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ўтказиш сабаблари, аксарият ҳолларда, ишлаб чиқариш технологияси ва хизматлари жиҳатидан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган экспорт тармоқларининг тегишли инфратузилмаси шаклланиши билан боғлиқ¹.

Хорижий тажриба кўрсатадики, мамлакат ва минтақанинг инновацион салоҳияти даражаси уларнинг рақобатли устунликларини шакллантирувчи иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Жаҳон амалиётида самарали кластер тизимларини жорий этиш асосида рўй берган ишлаб чиқариш комплекслари, минтақалар ва бутун мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги ошишини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп. Кластерлар яратишдан мақсад бизнесни ташкил

¹ Аҳмедов О.М. Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатида экспорт кластерларини ривожлантириш <http://dSPACE.nbuv.gov.ua>. - 167 б.

қилишни оптималлаштиришдан иборат бўлиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш, сотиш ва экспортни оптималлаштирган ҳолда яхши натижалар кўрсатишни кўзлайди. Ишнинг тематик йўналиши доирасида кластер тизимларининг экспорт салоҳиятини бошқариш билан бевосита боғлиқ концептуал аппаратларнинг элементларини батафсил ўрганиб чиқамиз. Бугунги кунда “кластер” сўзи илм-фаннинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. “Кластер” сўзи инглиз тилидаги гуруҳ, турли нарсаларни ёки оқишларни бирлаштирувчи “cluster” сўзидан келиб чиқади. Иқтисодийда кластер, биринчи навбатда, ҳудудий жиҳатдан яқин ва функционал равишда ўзаро боғлиқ бўлган турли субъектлар-ташкilotлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, илмий тадқиқот ва таълим муассасаларини бирлаштириш тушунилади.

Википедияга мурожаат этиш бизга “кластер” атамасининг келиб чиқишини аниқлаштириш имконини беради: у инглиз тилидаги сўздан олинган бўлиб, маълум бир йўналишдаги товарлар ишлаб чиқариш, иш ёки хизматлар соҳасини маҳаллийлаштириш ва оптималлаштириш учун мўлжалланган структурали таркибий қисмни англатади. Иқтисодий кластер ўзаро боғлиқ ташкilotлар (компаниялар, корпорациялар, университетлар, банклар ва бошқалар): маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва ихтисослаштирилган хизматларни етказиб берувчилар; инфратузилма; илмий тадқиқот институтлари; университетлар ва бошқа ташкilotлар, бир-бирини тўлдирувчи, индивидуал компанияларнинг рақобат устунлигини мустаҳкамлашдир².

Кластер тизимлари назариясини шакллантиришда америкалик олимлар, биринчи навбатда бу: М. Портер, М. Стоппер, М. Энрайт, С. Резенфельд, П. Маскелл, М. Лоренцен кашшофлар ҳисобланади. Майкл Портер биринчилар қаторида илгари сурилган саноат кластерлари ғоясининг муаллифи ҳисобланади. У тақдим этган концепцияда кластер қўйидагича таърифланди: “муайян соҳада фаолият юритаётган, бир-бирини тўлдирувчи ва умумий фаолияти билан ажралиб турувчи географик жиҳатдан қўшни ва ҳамкорлик қилувчи компания ва ташкilotлар гуруҳи” сифатида тақдим этилди³. Олимнинг фикрича, кластер рақобатга 3 та усулда таъсир қилади:



1-расм. М. Портернинг фикри бўйича рақобатга кластернинг таъсири⁴

Жаҳон савдосида муҳим ўрин тутувчи мамлакатларнинг рақобатли устунлигини ўрганар экан, М. Портер давлатнинг иқтисодий ўсишини аждодлардан мерос қилиб олишнинг имкони йўқ, уни фақат яратиш, шунда ҳам маҳаллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига яратиш мумкин деб кўрсатди. Энг юқори меҳнат унумдорлиги мослашувчан ташкilot билан

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>


³ Porter Michael E. On Competition. - Boston: Harvard Business School, 1998; русск. пер.: Конкуренция. – СПб; Киев: Изд. дом «Вильямс», 2005. Porter M. E. Clusters and the New Economics of Competition / M.E.Porter. // Harvard Business Review. 2018. Vol.76 (6). P.77-90.

⁴ Муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

боғлиқ ва доимий равишда инновацион фирмаларда кузатилади. Шу муносабат билан, қайд этилганидек, нафақат инновация ва таълим, балки тармоқ тузилмалари – кластерларни яратиш учун шарт-шароитларни таъминловчи корхоналар ўртасидаги алоқалар ҳам рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Саноат кластерлари назариясининг кейинги ривожланишига М.Портернинг шогирди, минтақавий кластерлар назариясининг асосчиси сифатида тарихга кирган ва рақобатбардош устунликлар айнан минтақавий даражада яратилиши ва уларда худудларни ривожлантиришнинг тарихий шартлари асосий ўринга эканлигини аниқлаган М.Энрайт сабаб бўлди. Унинг фикрича, минтақавий кластер – иқтисодиётнинг ўхшаш тармоқларига мансуб компанияларнинг географик ўзаро манфаатли бирлашмаси⁵.

Кейинчалик М.Портернинг издоши М. Сторпер қуйидаги 6 босқични амалга ошириш асосида “идеал” минтақавий кластер тузиш ғоясини таклиф қилди:



2-расм. М. Сторпер назариясига мувофиқ “идеал” минтақавий кластерни ривожлантиришнинг асосий босқичлари⁶

Скандинавия мамлакатларида кластер тизимларининг бошқа назарияси шаклланди ва унинг мафкурачилари:

- О. Лундваль ва Б. Йонсон сингари олимлар ягона усул билан – таълимни ривожлантириш ва инновациялар жорий этиш асосида эришиш мумкин бўлган миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш назариясини таклиф қилдилар;
- бошқа Б. Асхайм ва А. Изаксен сингари олимлар минтақавий инновациялар тизими назариясини ишлаб чиқдилар, унга кўра локал, яъни маҳаллий ишлаб чиқариш тизимларининг оптимал нисбатидан фойдаланмай, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва тармоқ рақобатбардошлиги ошишига эришиш мумкин эмас.

⁵ Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game? // World Link, No 5, July/August, 1992. Pp. 24, 25.

⁶Муаллиф томондан тизимдаштирилган.

Иқтисодий адабиётларда “Кластер” тушунчасини ўрганиш кўплаб ишларда кўрилган бўлиб, умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали бир қатор фикрларни ажратиш керак. Р.Р.Тохчуков ўз асарида кластерларнинг 2 та муҳим хусусиятини ажратиб кўрсатади: биринчидан, кластерли тузилманинг (фирманинг) структурали элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, горизонтал бўйича ҳам, вертикал бўйича ҳам алоқа қилади, иккинчидан, компаниялар фаолият тури ва географик яқинлик белгиси бўйича кластерларга бирлашиши керак. Кластерни шакллантириш бир соҳа ёки минтақанинг ўзаро боғлиқ компанияларини худудий локализация қилиш муаммоларини ҳал этиш билан бирга, шунингдек, турли субъектларни бирлаштириш, кластер иштирокчилари ўртасида бошқарув ва ўзаро ҳамкорлик механизмларини кенгайтириш имконини беради⁷.

Э.В. Чемоданованинг фикрича, иқтисодиётда кластерлаш тизимида ҳисобга олинган яна бир муҳим омил, нафақат иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари компаниялари, балки “давлат тузилмалари ва илмий институтлар” ҳам жараёнга жалб этилишидан иборат. Бундан ташқари, у агросаноат кластерига “турли фаолият соҳалари ташкилотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини ўз ичига олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан тортиб тайёр маҳсулотларни сотишгача бўлган ягона такрор ишлаб чиқариш даврида бирлаштириш, бунинг натижаси синергетик таъсир юзага келиши керак”⁸ деб таъриф беради.

Т.И. Максимова кластер агломерациялари туфайли турли хилдаги – ишлаб чиқариш, ташкилий ва ижтимоий йўналтирилган инфратузилмалар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали юқори даражадаги экологик, ахборот ва умумий иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин, деб ҳисоблайди⁹.

Амалиётга кўра, ташкилотнинг кластер шакли билан ўзаро ҳамкорликнинг интеграция шакллари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳисобига корхоналар, тармоқлар ва умуман давлат иқтисодиётининг илгарилаб ривожланиш жараёнини таъминлайди.

Россиялик тадқиқотчи Л.И. Проняева ва унинг маслакдошлари О.А. Федотенкова ва А.В. Павлова кластерли бирлашмаларни жорий этиш имкониятларини юқори баҳолаб, уларнинг ташкил қилиниши ва фаолияти бевосита иштирокчилар, шунингдек, кластер жойлашган худудлар учун ишлаб чиқариш, ижтимоий, экспорт ва умумий иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар юзага келишига сабаб бўлишини таъкидлаб ўтади. Улар кластер ташаббуслари доимо инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, бизнес тузилмалари, давлатнинг таълим ва илмий муассасаларни мажбурий жалб этган ҳолда ўзаро ҳамкорлиги асосида шаклланиши кераклигини таъкидлайдилар¹⁰.

В.В. Печаткин дунёнинг энг ривожланган давлатлари амалиёти кластер сиёсатининг амалга оширилиши уларнинг рақобатли устунликларини кучайтиришнинг самарали

⁷ Тохчуков Р. Р. Алгоритм создания предпринимательского агрокластера Северо-Кавказского федерального округа/ Р. Р. Тохчуков. - Текст: непосредственный. // Молодой ученый, 2012. № 3 (38). – С. 207-210. - URL: <https://moluch.ru/archive/38/4343/>

⁸ Чемоданова Е.В. Кластерный подход в инновационном развитии АПК региона// Современные проблемы науки и образования. 2014. № 3. <https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=13055>

⁹ Максимова Т.И. Формирование конкурентных преимуществ региональных экономических кластеров. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2014.

¹⁰ Проняева Л. И., Федотенкова О. А., Павлова А. В. Кластерные инициативы как инструмент развития конкурентоспособной экономики. // Вестник ВГУ. Серия: Экономика и Управление. 2018. № 1. – С. 43-52.

механизми бўлиб, давлат, бизнес, фан ва таълимнинг ажралиб чиқиш муаммосини ҳал этишга кўмаклашаётганини кўрсатади¹¹. М.А. Николаев ва унинг ҳаммуаллифлари фикрига кўра, замонавий кластер агломерациялари саноат, инсон ва молиявий капиталнинг уйғунлашувига асосланган саноат ва тижорат тузилмалари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаши кўзда тутилган¹².

Беларусиялик муаллифларнинг фикрича, технологиялар, логистика, транспорт воситалари жадал ривожланиши шароитида рақобатчилардан устунликка эришиш ва сақлаб қолиш учун энг муҳим омиллар нафақат инновациялар ва таълим, балки тармоқ структуралари – кластерлар яратиш учун шарт-шароитларни таъминловчи корхоналар ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади¹³.

Кластер концепциясига назарий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш О.А.Федотенкова ва Л.И.Проняевага мазкур ҳодисанинг концептуал аппарати маълум бир умумийлигини топиш имконини берди. Уларнинг фикрича, кластер – ҳудудий ва географик асосда боғланган якуний маҳсулотни яратишда кластер иштирокчиларининг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминловчи инновацион ривожланишга ҳисса қўшадиган ўзаро манфаатли ҳамкорликка кирувчи турли иштирокчилар (ташкilotлар) интеграциясининг муайян шакли¹⁴.

Мамлакатимиздаги олимларнинг фикрича, “кластерлар фермер хўжаликлари томонидан пахта хомашёсини етиштириш ва уни янада чуқур қайта ишлаш учун тўқимачилик корхонасига етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида ташкил этилган тўқимачилик корхоналари ва фермер хўжаликларининг кооперация алоқаларини йўлга қўйиш вазифасини муваффақиятли ҳал этиб, ҳудудларни ҳам, бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади”¹⁵.

И.А. Тошпўлатов томонидан енгил саноатда ташкил этилган кластер тизимини таҳлил қилиш ва кластер моделини такомиллаштириш бўйича янги ташкилий тузилма таклиф этилди, шунингдек, енгил саноатда кластерларни ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳисобига кластер моделини такомиллаштириш жараёни ўрганилди¹⁶.

Шундай қилиб, кластерлар қўшма қиймат занжири доирасида ташкilotлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатлар шаклларида бири ҳисобланади. Кластерлар холдинглар, профессионал уюшмалар, технопарклар, саноат парклари ва ҳудудлар, минтақавий инновацион тизимлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат агломерацияларидан ажралиб туриши керак.

¹¹ Печаткин В.В. Методика оценки и анализа потенциала кластеризации экономики регионов. // Экономический анализ: теория и практика. 2010. №28. – С. 42-48. URL: <https://cyberleninka.ru/>

¹² Николаев М.А., Махотаева М.Ю., Малышев Д.П., Григорьева О.В., Петрова О.С. Механизм формирования региональных инновационных кластеров: монография. – Псков: ПсковГУ, 2014. С. 21..

¹³ Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. – Минск: Тесей, 2008. - 72 с. С. 4.

¹⁴ Федотенкова О.А., Проняева Л.И. Системные проблемы и особенности функционирования производственных кластеров в АПК. // Вестник ОрелГАУ. 2016. №4. С. 11-21. URL: <https://cyberleninka.ru/>

¹⁵ Костюченко З., Архипова О. Текстильная промышленность: основные результаты реализации Стратегии развития Узбекистана в период 2017-2020 годы // <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/textile>


¹⁶ Тошпўлатов И.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда кластер моделини такомиллаштириш тўғрисида. // Иқтисод ва молия, 2019, 3 (123), 11-17-б.

Кластер иштирокчиларининг ўзаро рақобати, кооперацияси, минтақанинг ноёб ваколатларини шакллантириш, муайян ҳудудда корхона ва ташкилотларнинг марказлашувини шакллантириш хусусиятларига эга. Тўқимачилик кластерларининг жорий этилиши мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш, импортга қарамликни камайтириш ва давлатнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.

References:

1. Аҳмедов О.М. Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатида экспорт кластерларини ривожлантириш <http://dspace.nbu.gov.ua>. - 167 б.
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Porter Michael E. On Competition. - Boston: Harvard Business School, 1998; русск. пер.: Конкуренция. – СПб; Киев: Изд. дом «Вильямс», 2005. Porter M. E. Clusters and the New Economics of Competition / M.E.Porter. // Harvard Business Review. 2018. Vol.76 (6). P.77-90.
4. Энригт М.Дж. Why Clusters are the Way to Win the Game? // World Link, No 5, July/August, 1992. Pp. 24, 25.
5. Тохчуков Р. Р. Алгоритм создания предпринимательского агрокластера Северо-Кавказского федерального округа/ Р. Р. Тохчуков. - Текст: непосредственный. // Молодой ученый, 2012. № 3 (38). – С. 207-210. - URL: <https://moluch.ru/archive/38/4343/>
6. Чемоданова Е.В. Кластерный подход в инновационном развитии АПК региона// Современные проблемы науки и образования. 2014. № 3. <https://www.science-education.ru/ru/article/view?id=13055>
7. Максимова Т.И. Формирование конкурентных преимуществ региональных экономических кластеров. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2014.
8. Проняева Л. И., Федотенкова О. А., Павлова А. В. Кластерные инициативы как инструмент развития конкурентоспособной экономики. // Вестник ВГУ. Серия: Экономика и Управление. 2018. № 1. – С. 43-52.
9. Печаткин В.В. Методика оценки и анализа потенциала кластеризации экономики регионов. // Экономический анализ: теория и практика. 2010. №28. – С. 42-48. URL: <https://cyberleninka.ru/>
10. Николаев М.А., Махотаева М.Ю., Малышев Д.П., Григорьева О.В., Петрова О.С. Механизм формирования региональных инновационных кластеров: монография. – Псков: ПсковГУ, 2014. С. 21..
11. Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. – Минск: Тесей, 2008. - 72 с. С. 4.
12. Федотенкова О.А., Проняева Л.И. Системные проблемы и особенности функционирования производственных кластеров в АПК. // Вестник ОрелГАУ. 2016. №4. С. 11-21. URL: <https://cyberleninka.ru/>
13. Костюченко З., Архипова О. Текстильная промышленность: основные результаты реализации Стратегии развития Узбекистана в период 2017-2020 годы // <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/textile>

14. Тошпулатов И.А. Енгил саноат коркхоналари рақобатбардошлигини таъминлашда кластер моделини такомиллаштириш тўғрисида. // Иқтисод ва молия, 2019, 3 (123). 11-17-б.

INNOVATIVE
ACADEMY